



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“ФАРМАЦИЯДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИНГ ДЎЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
(ХАЛҚАРО ИШТИРОҚДА) МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ (С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)**

**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И  
ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»**

**Тошкент - 2016**



Хамидова М., Зайнутдинов Х.С., Зияева М.Н.

## АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАР АССОРТИМЕНТИНИНГ КОНТЕНТ ТАХЛИЛИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорининг сегментини ташкил этган антигипертензив дори воситалари ассортиментини контент таҳлил асосида ўрганиш.

**Усуллар:** Дори воситалари ва тиббиёт техника сифатини назорат қилиш Бош Бошқармаси қошидаги Ахборот бўлимининг маълумотларининг контент -таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги антигипертензив дори воситалар ассортиментининг ҳолати ўрганилди.

**Натижалар:** Инсоният тарихида артериал гипертензия жуда кенг тарқалган касаллик бўлиб, охириги йилларда бу касаллик юрак кон-томир касалликлари ичида сони бўйича биринчи ўринни эгаллаб, ўлимга ва ногиронликка олиб келувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланмоқда. Бутун жаҳонда 20 ёшдан ошган инсонлар орасида артериал гипертензия(АГ)нинг тарқалиши 26.4% ни ташкил этиб, бу 972 млн нафар бемор демакдир. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг башоратига кўра, 2025 йилга бориб беморлар сони 1 млрд 56 млн гача кўтарилиб, АГ нинг кескин ўсиши кутилмоқда. Бу эса сайёраимизнинг катта ёшдаги аҳолисининг 29% ни ташкил этади.

Дори воситалари ва тиббиёт техника сифатини назорат қилиш Бош Бошқармаси қошидаги Ахборот бўлимининг маълумотлари ( реестрлар, рўйхатлар)нинг контент таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги антигипертензив дори воситалар ассортиментининг таҳлили амалга оширилди. Таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган антигипертензив дори воситаларининг умумий миқдори 361та препаратдан ташкил топгани, улардан 60% хорижий, 22% МДХ давлатларидан келтирилганлиги ва 18% республикамизда ишлаб чиқарилиши аниқланди. Умумий ассортиментнинг 90% и перорал препаратлар (таблетка, капсула, драже, настойка) бўлиб, 10% и инъекцион эритмалардан ташкил топгани аниқланди.

Ассортиментнинг кенглиги, тўлиқлиги, чуқурлиги, тизимнинг рационаллиги, унинг барқарорлиги каби миқдорий кўрсаткичлар орқали баҳоланди. Фармацевтик ассортиментнинг кенглик кўрсаткичи ассортимент гуруҳларининг миқдори билан белгиланса, чуқурлик кўрсаткичи ҳар бир гуруҳдаги препаратларнинг сони ва дори шаклларнинг миқдорига асосланиб аниқланади. Шу билан бирга фармацевтик ассортиментнинг янгиланиш индексини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Антигипертензив дори воситаларининг янгиланиш индекси 0.63 ни ташкил этиб, бу кўрсаткич охириги беш йил ичида бу ассортиментнинг 63% га янгиланганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасида қайд этилган ва тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат этилган антигипертензив дори препаратларининг номлари, ишлаб чиқарилган шакли, ишлаб чиқарувчи фирма номи ва мамлакати бўйича маълумотлар таҳлили ассортиментнинг маркетинг изланишларига асос сифатида олинди.

Бунда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган антигипертензив дори препаратларининг рўйхати, хориждан келтириладиган антигипертензив дори препаратлари, МДХ давлатларидан келтириладиган антигипертензив дори препаратлари рўйхати маълумотлари алоҳида таҳлил қилинди.

Хориждан келтириладиган антигипертензив дори воситаларини мамлакатлар бўйича таҳлили асосида қуйидаги маълумотлар олинди. Хориждан келтириладиган антигипертензив дори препаратларининг асосий улушини Хиндистоннинг катор фармацевтик ишларита тўғри келиб, улар умумий ассортиментнинг 23% ини ташкил этади. Шу билан бирга Словения (19%), Германия (11%), Венгрия (7%), Франция ва Турция (4%) давлатларнинг фармацевтик фирмаларининг антигипертензив дори воситалари ассортиментнинг салмоқли улушини ташкил этади. Хорижий фирмаларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган препаратлар сони бўйича таҳлили KRKA фирмаси 40-та, Berlin-Chemie- 8 та Egis, Gedeon

Richter фирмалари -7 тадан, Lek, Zentiva фирмалари 6 тадан, Ipca Laboratories, Menarini International Operations, Sanovel, World Medicine фирмалари 5тадан антигипертензив дори воситасини кайд этганлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикасига МДХ давлатларидан келтирилган антигипертензив дори воситалари бўйича таҳлил маълумотлари Россия 27 та (33%), Украина 28та (33%), Беларусия 11 та (14%), Қозоғистон 4та (5%), Грузия 8та (10%) препаратни рўйхатдан ўтказганлиги аниқланди (3-жадвал ).Бунда энг кўп кайд этилган дори воситалар сони Беларусиянинг Борисовский заводига тўғри келиши аниқланди. Антигипертензив дори воситалари номенклатурасида турли дори шакллари улушларини ўрганилди. Бунда умумий номенклатуранинг 83% и таблетка дори турига ва 9% и инъекцион дори турларига тўғри келиши аниқланди. Антигипертензив дори воситаларини фармакологик таъсири бўйича таҳлил куйидагича натижаларни кўрсатди: альфа-адреноблокаторлар- 75% хориж ва 25% МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган- лиги аниқланди. Бета -адреноблокаторларнинг 57% хорижий, 30% МДХ давлатлари препаратлари ва 13% Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган антигипертензив дори воситалари аниқланди.

**Хулосалар:** Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорининг сегментини ташкил этган антигипертензив дори воситалари ассортиментини контент таҳлили натижасида импорт дорилар катта улушни ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кайд этилган дори воситалар унча катта бўлмаган сонини ташкил этилиши таъкидланди.

**Адабиётлар:** 1. Белоусов Ю.Б., Борисова Е.О. Современные подходы к лечению артериальной гипертензии // Фарматека.- 2001.- №12.- С.11-20.

2. Кобалева Ж.Д. Артериальная гипертония 2000: ключевые аспекты диагностики, профилактики, клиники и лечения // Под ред. В.С.Моисеева.-Москва.-2000.- С.256.

3. Саипова Д.Т., Мадраимова Р.А. Анализ показателей заболеваемости железодефицитной анемией среди беременных женщин // Фармацевтический вестник Узбекистана. – Ташкент. 2011.-№2. –С.32-36.

**Зияева М.Н., Рахматжонова Д.Б., Азимова М.Т.**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)

**Ишнинг мақсади:** Республикамизда энгил саноатнинг ривожланиб, жаҳон миқёсида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаши аҳолини боғлов воситаларига бўлган эҳтиёжини катта қисмини маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қондирилиши мақсадга мувофиқдир. Боғлов воситалари тиббиёт буюмларининг ажралмас қисми бўлиб, асосан жаррохлик амалиётида жароҳатларни турли суюқликлардан тозалашда, турли инфекциялар тушишини олдини олишда ва жаррохликдан кейинги операциялардан кейинги даврда қўлланилади. Уларнинг асосий қисмини бинт, момик, марля ва турли мақсадлар учун мўлжалланган пластирлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида ишлатишга рухсат этилган боғлов воситалари ассортименти, уларни ишлаб чиқаришдаги маҳаллий корхоналарнинг улуши ва боғлов воситаларининг бир нечта кўрсаткичлар бўйича таҳлилинини ўтказиш изланишимизнинг мақсадини ташкил этди.

**Усуллар:** Мақсадга эришиш учун 2016 йил №20 сонли “Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестри”да келтирилган маълумотлар асосида боғлов воситалари ассортиментининг контент таҳлили ўтказилди.

**Натижалар:** Республикамизда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган боғлов воситаларининг умумий миқдори хисобланди ва шу асосида бир нечта натижалар олинди. Бунга кўра: 2016 йил № 20 сонли Давлат Реестридан савдо номи бўйича 134 турдаги боғлов воситалари рўйхатдан ўтганлиги маълум бўлди. Ассортиментнинг ишлаб чиқарувчи корхона давлатлари бўйича таҳлили натижасида 134 турдаги боғлов воситаларининг 74 таси (55%) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга, 60 таси (45%) чет давлатларнинг корхоналарига тўғри келиши аниқланди.